



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 21 » апрель

№ПК–147

Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ишини янгича тизим асосида ташкил этиш юзасидан **белгиланган асосий вазифаларни** самарали амалга ошириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида **“ҳалоллик вакцинаси” тамойили** асосида коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор вазифалар

1. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларидаги (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг **устувор вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) коррупция ҳолатларини **барвақт аниқлаш** ва **уларнинг олдини олиш**, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

(б) **давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омилларни бартараф этиш, маиший коррупциянинг олдини олиш**, шу жумладан, **рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш** бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- (в) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **коррупцияга қарши экспертизадан** ўтказиш ва яқунлари бўйича аниқланган коррупциявий нормаларни бекор қилиш бўйича таклиф киритиш;
- (г) **давлат харидларини** амалга оширишда **манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик** чораларини кўриш, давлат харидлари бўйича превентив ўрганишларни амалга ошириш;
- (д) коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) **электрон ҳисобот** тақдим этиб бориш;
- (е) тегишли соҳа ва тармоқда **коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини** шакллантириш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминлаш;
- (ж) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назоратни амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш имконини берувчи **ситуацион марказлар** фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритиш;
- (з) меҳнат жамоасида коррупцияга нисбатан **муросасиз муносабатни шакллантириш**, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;
- (и) коррупцияга қарши курашиш бўйича **ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва жорий этиш** юзасидан таклифлар киритиш.

II. Коррупцияга қарши ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар

2. Белгилансинки:

- (а) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг **биринчи раҳбарига**, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида эса **кузатув кенгашига** (кузатув кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолларда корхона раҳбарига) **бўйсунди ва унинг олдида ҳисобдор бўлади**;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари ва таркибий ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари **республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари томонидан тайинланади** ҳамда фаолияти улар томонидан мувофиқлаштирилади;

(в) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Агентликнинг тақдимномалари улар фаолият олиб бораётган ташкилотлар томонидан **кўриб чиқилиши мажбурий** ҳисобланади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларини ташкил этишнинг минимал мезонлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Ҳисоб палатаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили давлат органлари ва ташкилотларида мазкур минимал мезонларга асосан коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ташкил этилишини мониторинг қилиб, натижалари бўйича Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин.

III. Коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий эксперимент

4. 2027 йил 1 январгача ҳуқуқий эксперимент тариқасида қуйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий этилсин:

(а) **Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ** ҳамда **“Ўзсувтаъминот” АЖнинг** (кейинги ўринларда – эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбари лавозимига Агентлик ходимлари тайинланади;

(б) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари бевосита Агентликка бўйсунди;

(в) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш Агентлик ҳамда эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар томонидан биргаликда амалга оширилади.

5. Ҳуқуқий эксперимент доирасида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

(а) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари штат бирликлари ҳуқуқий эксперимент даврида Агентликка ўтказилади;

(б) мазкур штат бирликлари учун Агентликнинг бўлим бошлиғига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари қўлланади. Бунда ушбу лавозим учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, Агентликда ва эксперимент ўтказиладиган ташкилотларда ушбу лавозим учун тўланадиган иш ҳақи ўртасидаги тафовут:

(i) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирликларида фаолият юритувчи Агентлик ходимлари учун – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

(ii) “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖда фаолият юритувчи Агентлик ходимлари учун – Агентликнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига акциядорлик жамиятлари томонидан ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

6. Агентлик (А.Бурханов) эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар билан биргаликда:

(а) **бир ой муддатда** эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий эксперимент давомидаги **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини** (KPI) белгиласин;

(б) ҳуқуқий экспериментнинг амалга оширилиши ҳақида **ҳар ярим йилда** Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин;

(в) **икки ой муддатда** ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш бўйича қўшма қарор қабул қилсин;

(г) ҳуқуқий экспериментнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида **2027 йил 1 январга қадар** ушбу тизимни бошқа давлат органлари ва ташкилотларига ҳам татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифларни киритсин.

IV. Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари малакасини ошириш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш

7. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш, уларнинг ходимларини стажировка ва аттестациядан ўтказиш ҳамда малакасини ошириш бўйича **махсус ваколатли орган** этиб белгилансин.

8. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг **илк марта лавозимга тайинланган** масъул ходимлари қуйидаги тартибда **икки ҳафталик стажировкадан** ўтиши белгилансин:

(а) давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари – **Агентликда**;

(б) ҳудудий бўлинма ва таркибий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлари – давлат органлари ва ташкилотларининг **марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларида**.

9. Агентлик:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда уларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари учун **ҳар йили** коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ҳамда уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда **ҳар уч йилда** аттестациядан ўтказилишини ташкил этиб борсин;

(б) **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

- (i) Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;
 - (ii) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод этишни Агентлик билан келишиш тартибини белгилаш;
 - (iii) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари фаолиятининг **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI)** тасдиқлаш ва баҳолаш тартибини белгилаш;
 - (iv) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларининг **малакасини ошириш**, уларни **стажировка ва аттестациядан ўтказиш** тартибини белгилаш;
- (в) **уч ой муддатда** коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларининг **касбий стандартлари** ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;
- (г) **2025 йил 1 июлга қадар “E-anticor.uz” электрон платформасида** коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг **электрон реестрини** юритиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботни **электрон шаклда** тақдим этиш, **аноним сўровномалар** ўтказиб, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш имконини берувчи **электрон модулни** ишга туширсин;
- (д) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари фаолиятини **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш натижалари бўйича ҳар ярим йилда** Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин.

V. Молиявий ресурслар

10. “E-anticor.uz” электрон платформасини функционал кенгайтиришга қаратилган модулни яратиш билан боғлиқ харажатлар Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ва миллий донорлар томонидан ажратилган маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсад, вазифалари, ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
13. Агентлик (Бурханов А.) **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
14. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б.Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган
хўжалик жамиятларида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларини ташкил этишнинг
МИНИМАЛ МЕЗОНЛАРИ*

Т/р	Мавжуд штат бирликлари ва тизим ташкилотлари сони	
	Марказий аппаратда штат бирлиги сони	Тизимда ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлинмалар ва таркибий ташкилотлар (қўмита, агентлик, инспекция, марказ, муассасалар ва республика даражасидаги бошқа ташкилотлар) мавжудлиги
1.	150 гача	Мавжуд эмас
2.	150–400 гача	Мавжуд эмас
3.	400 ва ундан ортиқ	Мавжуд эмас

Т/р	Марказий аппаратда штат бирлиги сони	Тизимда ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлинмалар ва таркибий ташкилотлар (қўмита, агентлик, инспекция, марказ, муассасалар ва республика даражасидаги бошқа ташкилотлар) мавжудлиги
1.	1 та ходим	Марказий аппаратда 2 та ходимдан иборат бўлим ва ҳар бир ҳудудий бўлинма** ва таркибий ташкилотларда*** 1 тадан ходим
2.	150–400 гача	Марказий аппаратда 2 та ходимдан иборат бўлим Марказий аппаратда 3 та ходимдан иборат бўлим ва ҳар бир ҳудудий бўлинма** ва таркибий ташкилотларда*** 1 тадан ходим
3.	400 ва ундан ортиқ	Марказий аппаратда 3 та ходимдан иборат бўлим Марказий аппаратда 4 та ходимдан иборат бўлим ва ҳар бир ҳудудий бўлинма** ва таркибий ташкилотларда*** 1 тадан ходим****

*Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг белгиланган умумий сони ва ажратилган маблағлар доирасида ўзларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари учун ушбу минимал мезонларда назарда тутилганидан кўпроқ штат бирликларини белгилаши мумкин. Бунда белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони **7 ва ундан ортиқ** бўлган ҳолларда **бошқарма, 2 ва ундан ортиқ** бўлган ҳолларда **бўлим** ташкил этилади.

Агар давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) бўлинмасида умумий штатлар сони **100 та ва ундан кам бўлса, ушбу ҳудудий бўлинманинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти давлат органи ва ташкилотининг **марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси** томонидан амалга оширилади.

***Агар давлат органлари ва ташкилотларининг тизимидаги таркибий ташкилотнинг штатлар сони **100 та** ва ундан кам бўлса ҳамда таркибий ташкилотнинг ўзида ҳудудий ёки таркибий ташкилотлар мавжуд бўлмаса, ушбу таркибий ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти давлат органи ва ташкилотининг **марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси** томонидан амалга оширилади.

****Агар тизимдаги таркибий ташкилотнинг умумий штатлари сони (ҳудудий бўлинма ва таркибий ташкилотларининг штат бирлиги билан биргаликда) **400** ва ундан ортиқ бўлса, юқоридаги жадвалга асосан минимал мезонлар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 10-банди 4-кичик банди қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ахборотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолатини баҳолайди”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4105-сон қарори 11-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4653-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидан “Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

8-банднинг ўн биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

31-банднинг иккинчи хатбошисидан “ҳамда Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи” сўзлари чиқариб ташлансин;

38-банднинг иккинчи хатбошисидан “Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 10-илованинг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат муассасалари, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларда (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин”;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқлар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–332-сон қарори 2-банди қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Марказга комплекс экспертизадан ўтказиш учун киритилган чет элда ишлаб чиқарилган ахборот қурилма, ускуналар, барча турдаги ахборот тизимлари, мобил иловалар ва бошқа дастурий таъминотларни харид қилиш бўйича лойиҳалар “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг ижобий қарори тақдим этилганидан кейин кўриб чиқилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 августдаги “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги ПҚ–356-сон қарорининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини бериш, уни тайёрлаш ҳамда “Йилнинг илғор тадбиркорлари” китобини чоп этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Савдо-саноат палатасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”.





О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 21 » апреля

№ПП–147

О мерах по обеспечению независимости и повышению эффективности деятельности подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций

В целях эффективной реализации **основных задач** по организации деятельности подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций на основе новой системы, определенных на расширенном заседании Национального совета по противодействию коррупции **5 марта 2025 года**, а также формирования нетерпимого отношения к коррупции на основе **«вакцины добропорядочности»** в государственных органах и организациях, **постановляю:**

I. Приоритетные задачи

1. Определить приоритетными задачами подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций, хозяйственных обществ, в уставном фонде (уставном капитале) которых государственная доля составляет 50 процентов и более (далее – государственные органы и организации):

- (а) **раннее выявление и предупреждение** коррупционных проявлений, искоренение причин и условий, им способствующих;
- (б) устранение **коррупциогенных факторов** при оказании государственных услуг, **предупреждение бытовой коррупции**, включая разработку предложений по **цифровизации**, сокращению бюрократии;
- (в) проведение **антикоррупционной экспертизы** ведомственных нормативно-правовых актов и внесение предложения об отмене выявленных по ее итогам коррупционных норм;

- (г) принятие мер по **недопущению конфликта интересов** при осуществлении государственных закупок, а также проведение превентивного изучения по государственным закупкам;
- (д) регулярное представление в Агентство по противодействию коррупции (далее – Агентство) **электронных отчетов** о проведенной работе по противодействию коррупции;
- (е) формирование **перечня коррупционных рисков** в соответствующих сферах и отраслях, разработку и обеспечение утверждения мер, направленных на их устранение;
- (ж) внесение предложений по организации деятельности **ситуационных центров**, предоставляющих возможность осуществления внутреннего антикоррупционного контроля и выявления коррупционных рисков в государственных органах и организациях;
- (з) ведение пропагандистской и разъяснительной работы по формированию **нетерпимого отношения** к коррупции, недопущению конфликта интересов и соблюдению правил этики в трудовых коллективах;
- (и) внесение предложений о **популяризации и внедрении положительного опыта** по противодействию коррупции.

II. Меры по совершенствованию системы внутреннего антикоррупционного контроля

2. Установить, что:

- (а) подразделение внутреннего антикоррупционного контроля в своей деятельности **подчиняется и подотчетно** непосредственно **первому руководителю** организации, в хозяйственных обществах, в уставном фонде (уставном капитале) которых государственная доля составляет 50 процентов и более, – **Наблюдательному совету** (при отсутствии Наблюдательного совета – руководителю предприятия);
- (б) **первые руководители государственных органов и организаций республиканского уровня** назначают на должность и осуществляют координацию деятельности руководителей и работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля территориальных подразделений и структурных организаций государственных органов и организаций;

(в) **рассмотрение представлений** Агентства о материальном стимулировании работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля является **обязательным** для организаций, в которых указанные работники осуществляют деятельность.

3. Утвердить Минимальные критерии создания подразделений внутреннего антикоррупционного контроля в государственных органах и организациях, а также хозяйственных обществах, в уставном фонде (уставном капитале) которых государственная доля составляет 50 процентов и более, **согласно приложению № 1.**

Агентству совместно со Счетной палатой, Агентством по управлению государственными активами, а также иными ответственными министерствами и ведомствами ежегодно осуществлять мониторинг создания подразделений внутреннего антикоррупционного контроля в государственных органах и организациях на основе минимальных критериев, по результатам вносить информацию в Национальный совет по противодействию коррупции.

III. Правовой эксперимент по повышению эффективности системы внутреннего антикоррупционного контроля

4. Внедрить в качестве правового эксперимента на срок до 1 января 2027 года систему, в соответствии с которой:

(а) на должность руководителя подразделения внутреннего антикоррупционного контроля **Министерства здравоохранения, Министерства строительства и жилищно-коммунального хозяйства, Министерства водного хозяйства, АО «Узбекнефтегаз», АО «Узсுவтаъминот»** (далее – организации проведения эксперимента) назначаются работники Агентства;

(б) руководители подразделений внутреннего антикоррупционного контроля организаций проведения эксперимента подчиняются непосредственно Агентству;

(в) организация, координация и мониторинг деятельности подразделений внутреннего антикоррупционного контроля организаций проведения эксперимента осуществляются Агентством и организациями проведения эксперимента совместно.

- 5. В целях эффективного обеспечения исполнения задач, определенных в рамках правового эксперимента:**
- (а) штатные единицы руководителей подразделений внутреннего антикоррупционного контроля организаций проведения эксперимента передаются Агентству на период правового эксперимента;
 - (б) на данные штатные единицы распространяются условия оплаты труда, материального стимулирования и социальной защиты, установленные для начальника отдела Агентства. При этом расходы по оплате труда для этой должности, а также разница в размере заработной платы, выплачиваемой для этой должности в Агентстве и организациях проведения эксперимента, покрываются за счет:
 - (i) средств Государственного бюджета – для работников Агентства, осуществляющих деятельность в Министерстве здравоохранения, Министерстве строительства и жилищно-коммунального хозяйства, Министерстве водного хозяйства;
 - (ii) средств АО «Узбекнефтегаз», АО «Узсувтаъминот», перечисляемых на внебюджетный казначейский лицевой счет Агентства – для работников Агентства, осуществляющих деятельность в этих акционерных обществах.
- 6. Агентству (Бурханов А.) совместно с организациями проведения эксперимента:**
- (а) **в месячный срок** определить на период правового эксперимента **ключевые показатели эффективности** деятельности (KPI) работников подразделения внутреннего антикоррупционного контроля организаций проведения эксперимента;
 - (б) **каждые полгода** представлять в Национальный совет по противодействию коррупции информацию о ходе реализации правового эксперимента;
 - (в) **в двухмесячный срок** принять совместное решение о регулировании хода проведения правового эксперимента;
 - (г) на основе анализа результатов правового эксперимента внести **до 1 января 2027 года** обоснованные предложения о внедрении данной системы также в другие государственные органы и организации.

- IV. Повышение квалификации и оценка эффективности деятельности работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля**
7. Определить Агентство **специальным уполномоченным органом** по координации и методическому обеспечению деятельности подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций, проведению стажировки, аттестации и повышению квалификации их работников.
8. Установить, что ответственные работники подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций, **назначенные на должность в первый раз, проходят двухнедельную стажировку** в следующем порядке:
- (а) руководители и работники подразделений внутреннего антикоррупционного контроля центрального аппарата государственных органов и организаций – **в Агентстве**;
 - (б) работники территориальных подразделений и структурных организаций, ответственные за противодействие коррупции, – **в подразделениях внутреннего антикоррупционного контроля центрального аппарата** государственных органов и организаций.
9. Агентству обеспечить:
- (а) совместно с государственными органами и организациями проведение краткосрочных курсов повышения квалификации по противодействию коррупции и комплаенс-контролю для руководителей и работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля – на **ежегодной** основе, аттестации указанных руководителей и работников в установленном законодательством порядке – **каждые три года**;
 - (б) **в трехмесячный срок** – разработку и внесение в Кабинет Министров в установленном порядке проекта постановления Правительства, предусматривающего:
 - (i) утверждение Типового положения о подразделениях внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций;
 - (ii) установление порядка согласования с Агентством назначения на должность и освобождения от должности руководителей и работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля;

- (iii) утверждение **ключевых показателей эффективности** деятельности (KPI) работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля и установление порядка их оценки;
- (iv) установление порядка повышения квалификации, стажировки и аттестации работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля;
- (в) **в трехмесячный срок** – разработку и утверждение в установленном порядке **профессиональных стандартов** работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля;
- (г) **в срок до 1 июля 2025 года** на **электронной платформе «E-anticor.uz»** – запуск **электронного модуля**, предоставляющего возможность ведения **электронного реестра** руководителей и работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля, представления **в электронной форме отчетов** о выполненной работе по противодействию коррупции, проведения **анонимных опросов** и информирования общественности об их результатах;
- (д) представление **каждые полгода** в Национальный совет по противодействию коррупции информации о результатах оценки деятельности работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля на основе **ключевых показателей эффективности (KPI)**.

V. Финансовые ресурсы

10. Определить финансирование расходов, связанных с созданием модуля по функциональному расширению электронной платформы «E-anticor.uz», за счет внебюджетных средств Агентства, средств, выделенных международными и национальными донорами, а также иных источников, не запрещенных законодательством.

VI. Организация, обеспечение и контроль исполнения постановления

11. Агентству совместно с Национальным информационным агентством Узбекистана, Национальной телерадиокомпанией Узбекистана, Агентством информации и массовых коммуникаций организовать работу по широкому освещению целей, задач настоящего постановления и ожидаемых результатов в средствах массовой информации и сети Интернет.

12. Внести изменения и дополнения в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан **согласно приложению № 2.**
13. Агентству (Бурханов А.) в **двухмесячный срок** совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.
14. Обсуждение **каждые полгода** хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на советника Президента Республики Узбекистан Кадирова Д.Б.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

МИНИМАЛЬНЫЕ КРИТЕРИИ

создания подразделений внутреннего антикоррупционного контроля в государственных органах и организациях, а также хозяйственных обществ, в уставном фонде (уставном капитале) которых государственная доля составляет 50 процентов и более*

№	Численность имеющихся штатных единиц и организаций системы		Минимальная штатная численность подразделений внутреннего антикоррупционного контроля*
	Штатная численность в центральном аппарате	Наличие в системе территориальных (по Республике Каракалпакстан, областям, городу Ташкенту, районам (городам) подразделений и структурных организаций (комитетов, агентств, инспекций, центров, учреждений и других организаций республиканского уровня)	
1.	До 150	Отсутствуют	1 работник В центральном аппарате отдел в составе 2 работников, в каждом территориальном подразделении** и структурных организациях*** – по 1 работнику
2.	До 150–400	Имеются	В центральном аппарате отдел в составе 2 работников В центральном аппарате отдел в составе 3 работников, в каждом территориальном подразделении** и структурных организациях*** – по 1 работнику
3.	400 и более	Отсутствуют	В центральном аппарате отдел в составе 3 работников В центральном аппарате отдел в составе 4 ответственных работников, в каждом территориальном подразделении** и структурных организациях*** – по 1 работнику****

*Государственные органы и организации в пределах установленной общей численности работников и выделенных средств могут определять большее количество штатных единиц, чем это предусмотрено в данных минимальных критериях для подразделений внутреннего антикоррупционного контроля. При этом при наличии **7 и более** штатных единиц ответственных работников создается **управление**, при наличии **2 и более** штатных единиц – **отдел**.

Если в территориальных (по Республике Каракалпакстан, областям, городу Ташкенту, районам (городам) подразделениях государственных органов и организаций) общей штатная численность составляет **100 и менее единиц, деятельность по противодействию коррупции данного территориального подразделения осуществляется подразделением внутреннего антикоррупционного контроля в количестве единиц, составляющей данное территориальное подразделение.

***Если штатная численность структурной организации системы государственного контроля в центральном аппарате составляет **100** и менее единиц и у структурной организации отсутствуют территориальные или структурные подразделения, деятельность по противодействию коррупции данной структурной организации осуществляется подразделением внутреннего антикоррупционного контроля в центральном аппарате государственного органа и организации.

****Если общая штатная численность структурной организации системы (вместе со штатными единицами территориального подразделения и структурных организаций) составляет **400** и более единиц, на основании вышеуказанной таблицы применяются минимальные критерии.

Изменения и дополнения, вносимые в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан

1. Подпункт 4 пункта 10 Положения о Государственной инспекции по контролю в сфере информатизации и телекоммуникаций Республики Узбекистан, утвержденного постановлением Президента Республики Узбекистан от 21 ноября 2018 года № ПП–4024, дополнить абзацем шестым следующего содержания:

«в целях определения эффективности и результативности работ по обеспечению открытости, осуществляемых в государственных органах и организациях, проводит оценку состояния размещения информации на официальных веб-сайтах государственных органов и организаций, а также оказания электронных государственных услуг».

2. В пункте 11 постановления Президента Республики Узбекистан от 10 января 2019 года № ПП–4105 «Об организации деятельности Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан»:

абзац третий исключить;

абзац четвертый считать абзацем третьим.

3. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 26 марта 2020 года № ПП–4653 «Об организации деятельности Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан, а также подведомственных ему организаций»:

а) из абзаца четвертого пункта 2 слова «Управления по эксплуатации административных зданий» исключить;

б) в приложении № 3:

абзац одиннадцатый пункта 8 исключить;

из абзаца второго пункта 31 слова «а также начальника Управления по эксплуатации административных зданий» исключить;

из абзаца второго пункта 38 слова «Управления по эксплуатации административных зданий» исключить;

в) пункт 9 приложения № 10 признать утратившим силу.

4. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2021 года № ПП–5177 «О дополнительных мерах по эффективной организации деятельности по противодействию коррупции»:

а) пункт 1 изложить в следующей редакции:

«1. Внедрить порядок, предусматривающий прием на работу в органы государственной власти и управления, государственные учреждения, а также организации с государственной долей 50 процентов и более (далее – государственные органы и организации) путем открытого конкурса, а также обеспечение наблюдения за проводимыми конкурсными испытаниями в сети Интернет в режиме реального времени»;

б) пункт 3 изложить в следующей редакции:

«3. Организовать в пределах имеющихся штатных единиц во всех государственных органах и организациях, в том числе в Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента и хозяйственных обществах, в уставном фонде (уставном капитале) которых государственная доля составляет 50 процентов и более, деятельность подразделений внутреннего антикоррупционного контроля».

5. Пункт 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 25 июля 2022 года № ПП–332 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка проведения экспертизы предпроектной документации инвестиционных и инфраструктурных проектов, закупочной документации по тендеру, технического задания на государственную закупку и договоров» дополнить абзацем седьмым следующего содержания:

«Проекты по закупке информационных устройств, оборудований, всех видов информационных систем, мобильных приложений и другого программного обеспечения, произведенные за рубежом, представленные в Центр для проведения комплексной экспертизы, рассматриваются после получения положительного решения Координационной комиссии по реализации Стратегии “Цифровой Узбекистан – 2030».

6. Пункт 5 постановления Президента Республики Узбекистан от 19 августа 2022 года № ПП–356 «Об учреждении нагрудного знака «Фаол тадбиркор» изложить в следующей редакции:

«5. Расходы, связанные с вручением и изготовлением нагрудного знака «Фаол тадбиркор», а также изданием книги «Передовые предприниматели года», осуществляются за счет собственных средств Торгово-промышленной палаты».

